

ЃЎЗАНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ ЭКОЛОГИК СИНОВИ.

Данабаев Абдумурод Бердиевич

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти илмий ходими

Аннотация: Мақолада ингичка толали ғўзанинг 15 нави бўйича экологик синов натижалари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Экологик синов, Сп-1607, Термиз-202, Термиз-208, Сурхон-16, Сурхон-14, Сурхон-106, Сурхон-18.

Аннотация. В статье приведены сведения о результатах экологических испытаний 15 сортов тонковолокнистого хлопка.

Ключевые слова. Экологические испытания, Сп-1607, Термиз-202, Термиз-208, Сурхон-16, Сурхон-14, Сурхон-106, Сурхон-18.

Abstract. The article provides information on the results of environmental tests of 15 varieties of fine-staple cotton.

Keywords. Environmental tests, Sp-1607, Termiz-202, Termiz-208, Surxon-16, Surxon-14, Surxon-106, Surxon-18.

Ишнинг мақсади: Жанубий минтақа иқлимига мос, касаллик ва ҳашоротлардан кам зарарланадиган, қимматли хўжалик белгилари экилаётган навлардан юқори бўлган янги тизма ва навлар яратиш мақсадида Г.барбаденсе Л. ва Г. хирсутум Л. турлар аро чатиштириб олинган жанубий минтақа иқлимига мос дурагай ва тизмалари ичидан ингичка толали ғўзанинг ҳавфли касаллари (гаммоз, қора илдиз чириш, антракноз ва бошқа касалликларига), ҳамда сўрувчи ҳашоротларга бардошли намуналарни танлаб олиш, якка ва оилавий танлов ўтказиш, қимматли хўжалик белгиларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш селекция жараёнига бошланғич манба сифатида тавсия этиш, тежамкор агротехникасини тубдан такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг услублари: Таҷрибалар Термиз туманидаги Ингичка толали пахтачилик илмий тадқиқот институти (ИТПИТИ) марказий таҷриба

даласида ўтказилди. Селекция ишлари ва тадқиқотлар “ Методы селекция хлопчатника ” (1968), “Методы выведения и размножения новых сортов хлопчатника ”(1969), “Қишлоқ Хўжалиги экинларининг давлат нав синови ” (1977), “ дала тажрибаларини ўтказиш услублари ” Ўзбекистон (2007), Ўрта Осиё ирригация ИТИ, халқаро ФАО услублари “нав ва тизмаларда ҳосилдорлик маълумотлари” Даспехов Б.Н. (1985) услуби асосида таҳлил етилди.

1-жадвал

Ингичка толали ғўзанинг янги навлари ҳосилдорлиги ҳамда тола ва чигити сифат белгилари.

№	навлар	Тола узунлиги мм	Тола чиқиши %	1000 дона ч.в.г	Ҳосилдорлиги ц/га		
					2020 й	2021 й	2022 й
1	Ст-Сурх-14	38.4	35.8	122	37.1	39.4	36.0
2	Сурх-16	35.5	36.9	106	37.7	39.8	36.0
3	Сурх-18	38.2	34.5	116	35.8	39.1	34.0
4	Сурх-102	39.0	35.5	120	30.4	-	-
5	Терм-49	37.3	36.6	130	35.7	37.3	33.0
6	Сурх-103	40.1	37.0	109	32.1	34.2	30.6
7	Сурх-104	40.4	40.7	102	28.9		
8	Сурх-106	37.8	35.7	109	36.2	39.8	35.1
9	Ангор	37.0	37.5	120	28.4	-	-
10	Иолатан-14	38.4	32.5	132	35.8	36.7	34.4
11	Терм-202	37.7	34.9	117	39.8	39.8	37.5
12	Терм-208	39.9	37.0	113	37.4	40.3	37.7
13	Сп-1607	39.2	37.2	108	39.2	41.8	37.2
14	Ст-1651	38.1	37.6	115	35.5	38.1	33.4
15	Марварид	41.6	35.2	118	-	-	32.0

Ингичка толали ғўзанинг 15 нави экологик синов кўчатзорида экиб синовдан ўтказилди. Булар ичида Термиз-49 ва Сурхон-102 навлари илгари экилган. Туркменистон пахтачилик илмий тадқиқот институтида яратилган Иолатан-14 нави Туркменистон Республикасида 5000 га экилиб келинмоқда. Янги навлардан “Ангор” нави морфологик жиҳатдан бир хил бўлмаганлиги

ва ҳосил элементлари кам боғлаганлиги сабабли, Сурхон-104 нави бўйи паст, ҳосили камлигидан кейинг йилларда экилмади, бошқа 11 та нав 2020-2022 йилларда синовдан ўтказилди.

СП-1607, Термиз-202 ва Термиз-208 навлари ҳосилдорлиги 39.4-38.5 ц/га юқори (39.4;39.0;38.5) кейинг ўринларда Сурхон-16, Сурхон-14, Сурхон-106 ва Сурхон-18 навларида 37.8-36.3 ц/га (37.8;37.5;37.0;36.3) ҳамда Ст-1651 ва Иолатан-14 навларида 35.7 ц/га ҳосил олинди. Сурхон-103 ва Марварид навлари ҳосилдорлиги паст (32.3-32.0) бўлганлиги қайд этилди.

Тола узунлиги белгиси бўйича андоза Сурхон-14 навида 38.4 мм, ундан юқори кўрсаткичлар Марварид (41.6), Сурхон-104 (40.4), Сурхон-103 (40.1), Термиз-208 (39.9), СП-1607 (39.2), Сурхон-102 (39.0) навларида қайд этилди. Сурхон-18 (38.2), Ст-1651 (38.1) навлари белги кўрсаткичи андоза Сурхон-14 навида жуда яқин, Сурхон-106 0.6 мм га, Термиз-202 0.7 мм га, Термиз-49 1.1 мм “Ангор” 1.4 мм Сурхон-16 2.9 мм га калта бўлганлиги қайд этилди.

Тола чиқиши белгиси андоза Сурхон-14 навида 35.8 % ни ташкил этиб, бундон юқори кўрсаткичлар Сурхон-104 (4.9% юқори), Ст-1651 (1.8% юқори), Ангор (1.7 % юқори) , эканлиги, СП-1607, Сурхон-103, Термиз-208, Сурхон-16 ва Термиз-49 навларида биро з (1.4-0.8%) юқорилиги, Сурхон-18, Термиз-202, Марварид навларида белги кўрсаткичи андозадан биров (1.3-0.6) камлиги, Сурхон-106 ва Сурхон-102 навларда диярли тенг эканлиги қайд этилди. Териб олинган намуналардан 1000 дона чигит вазни белгиси аниқланганда андоза Сурхон-14 навининг 1000 дона чигит вазни 122 г бўлиб бунда юқори кўрсаткичлар Термиз-49 навида (130 г) га юқори эканлиги, Сурхон-102, Ангор, Термиз-202, Марварид навида биров (2.0-5.0 г) камлиги бошқа навларнинг белги кўрсаткичи 7.0-20.0 г камлиги қайд этилди. Юқорида ўрганилган ингичка толали ғўза навлари ҳосилдорлиги ва тола сифат белгилари таҳлилига кўра ҳосилдорлиги бўйича СП-1607, Термиз-202, Термиз-208, Сурхон-16, Сурхон-14, Сурхон-106 ва Сурхон-18 навларини (7 та нав) жанубий минтақа иқлим шароитида экиб юқори ҳосил ва сифатли

тола ва уруғлик олиш ва экин майдонини кенгайтириш тавсия этилади. Тола узунлиги белгиси бўйича ўрганилган навларнинг барчаси I тип талабига мос келади. Тола чиқиши белгиси бўйича юқорида ҳосилдорлиги, бўйича тавсия этилган навларнинг кўрсаткичи (37.2 %-34.5%) бир-биридан 0.2-2.7% гача фаркланади. Тола чиқиши жуда кўп омиллар тасирида жумладан агротехник тадбирлар меёрига ва сифатига, сув озика таъминотига кўра сезиларли ўзгариш мумкинлигидан келиб чиқиб тола чиқиши белгиси бўйича ҳам юқорида тавсия этилган ҳосилдорлиги юқори навларни экин майдонини кенгайтириш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О.Т.Алимардонов, Б.Ч.Жўраев, Н.Н.Очилдиев, А.Б.Данабаев-“Сурхондарё вилоятида ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиялари” Термиз-2022 й. 163-б.

2. А.М.Шапиро, Э.М.Оскалина, О.К.Усмонов, редактор М.Г.Хорст-“Использование климатических данных для эффективного планирования и управления орошением перевод русской версии” Тошкент 1997 й.

3. А.А. Янгибоев., А.Б. Данабаев. Ғўзанинг хашоратларга бардошлигини оширишда госсипиум барбадензе турига мансуб навларини аҳамияти. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами (20016 йил, 15-16декабр) 1-Қисм Тошкент-2016 й. 258-260-б.

4. Amonova G. R., Rashidov N. E. Useful Properties of Medicinal Chamomile (*Matricaria Recutita*) //European journal of innovation in nonformal education. – 2024. – Т. 4. – №. 4. – С. 130-132.

5. Musurmonovich F. S., Baxriddinova R. U. Oqsil taqchilligini ta'minlashda soya o'simligining o'rni //Nazariy va amaliy fanlardagi ustuvor islohotlar va zamonaviy ta'limning innovatsion yo'nalishlari. – 2024. – Т. 1. – №. 4. – С. 254-258.

6. Normuminovna Q. D., Musurmonovich F. S. Bioecological Properties of *Salvia Officinalis* L //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 6. – С. 249-252.

7. Musurmonovich F. S. Bug'doy navlarining gullash fazasida suv almashinuv xususiyatlari //Nazariy va amaliy fanlardagi ustuvor islohotlar va zamonaviy ta'limning innovatsion yo'nalishlari. – 2024. – Т. 1. – №. 5. – С. 578-583.

8. Musurmonovich F. S. Dorivor mavrakning bioekologiyasining o'ziga xos xususiyatlari //Nazariy va amaliy fanlardagi ustuvor islohotlar va zamonaviy ta'limning innovatsion yo'nalishlari. – 2024. – Т. 1. – №. 5. – С. 571-577.

9. Fozilov S. The effect of drought on the water regime in the leaves of soybean varieties //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 25-28.

10. Fozilov S. Effect of stress factors on some physiological parameters of soybean plant //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 7. – С. 722-74.